



ТЎХТАМИШ, Тўхтамишхон (1342—1408) — Олтин Ўрда хукмдори (1380 — 97). Жўжихон наслидан бўлмиш Тўйхожанинг ўгли. Отаси 1375 й. Ок Ўрда хукмдори Урусхон томонидан катл этилгандан сўнг Тўхтамиш Амир Темур хузурига (1376) келади ва Сохибкироннинг бегараз мадади туфайли аввал Ок Урда (1377), кейин Мамай кўшинларининг Куликово жангада енгилганидан фойдаланиб Олтин Урда тахтини кўлга киритади (1380).

Тўхтамиш ички низоларга барҳам бериб, 7 йил ичида Олтин Урда давлат бирлигини қайта тиклашга эришади. Сирдарёдан Днестргача, Сигнок ва Утрордан Киевгача чўзилган улкан салтанатнинг хонига айланади. Унга қарши бош кўтарган рус князликлари ҳамда литваликларни мағлубиятга учратади. 1382 й. хийла бн Москвани олади, шаҳарни талонторож қилиб ёқиб юборади. Муваффақиятлардан маълум даражада эсанкираган Тўхтамиш Амир Темур салтанати ҳудудларини кўлга киритишга ошиқади. Амир Темурнинг гарб сафаридалигидан (1381) фойдаланиб, Озарбайжон ҳамда Мовароуннахрга бостириб қиради, Самарканд ва Бухорони камал қилади. Лекин бу шаҳарларни олишни уйдасидан чиқолмайди. 1388 й. нинг фев. да Сохибкирон кўшини бн Тўхтамишга қарши Шероздан йўлга чиқади. Т. Амир Темур бн юзмаюз тўқнашишдан воз кечиб, зудлик бн Дашти Кипчокка қайтиб кетади. 1391—95 й. ларда Т. Сохибкирон бн бўлган Кундузча ҳамда Терек дарёси бўйидаги жангларда мағлубиятга учраган. Олтин Урда пойтахти Саройни ишғол қилган Амир Темур қочок Тўхтамиш ўрнига Темур Кутлугни хон этиб кўтаради. 1397 — 99 й. ларда Тўхтамиш Литва кироли Вютайтас ёрдамида Темур Кутлуг ва Идику (Едигей)га қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатларда муваффақиятсизликка учрайди. Темур Кутлуг вафотидан (1401) кейин Т. Олтин Урда тахтини қайта эгаллаш ҳаракатида бўлди. 1408 й. Тюмень ш. атрофларида кўлга туширилган. Т. Идику томонидан ўлдирилган.

Хамидулла Дадабоев.